

**Илк ўрта асрларда Фарғона-Шарқий Туркистон муносабатлари
тарихидан
Ш. Мирхайитов, ТДШИ**

Аннотация

Мазкур мақола Илк ўрта асрларда фарғона-шарқий туркистон муносабатлари тарихидан деб номланган бўлиб, унда илк ўрта асрларда Фарғона Хитой учун ўзининг аҳамиятини йўқотгани йўқ, аксинча Фарғонага бўлган интилиш янада ортиб борган. Юқорида кўриб ўтганимиздек, Фарғона билан Шарқий Туркистон шаҳарлари ўртасидаги алоқалар тобора мустақамланиб борган. Шарқий Туркистон манфаатлар чорраҳасида жойлашганлиги туфайли доимо ўзига бошқа давлатларни ром қилиб келган. Ўрта Осиё билан Хитой ўртасидаги муносабатлар доирасида Фарғона ва Шарқий Туркистон алоқалари алоҳида эътиборга лойиқ.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб тарихимизнинг кам ўрганилган даврларини билишга интилиш ортиб борди. Ўзбек халқи ҳаққоний тарихини билиш учун унинг қадимий ва ўрта асрлардаги қўшни давлатлар билан муносабатлари тарихини ҳам билишни тақозо этади. Зеро, тарихий хотираси бор инсон – иродали инсон¹. Шу маънода ушбу мақолада ўзбек халқи тарихида ўчмас из қолдирган илк ўрта асрларда Фарғонанинг Шарқий Туркистон билан алоқаларига доир саҳифаларига эътибор берилади.

Буюк ипак йўли устида жойлашган Фарғона қадимдан Шарқ билан Ғарбни бир-бирига боғлаб турган. Қадимият ва илк ўрта асрлар тарихидан гувоҳлик берувчи манбаларда Фарғонанинг Хитой, хусусан Шарқий Туркистон билан муносабатлари тарихига оид маълумотлар ўрин олган. Фарғонанинг Шарқий Туркистон билан алоқалари масаласига илмий адабиётларда ҳам баъзи ўринларда тўхталиб ўтилган².

Аксарият манбаларда Фарғонанинг Хитой билан муносабатлари тарихи дастлаб Хитой элчиси Чжан Цзяннинг Фарғона (Давон) давлатига келганлиги ва юртига қайтгач ҳоконига берган маълумотлари билан бошланади. Хан сулоласи қўшинларининг мил.авв. 104 ва 102 йиллардаги Фарғонага ҳужумлари, унинг оқибатида Фарғона тулпорларига эга бўлганлиги, аммо юриш хитойликлар учун мағлубият билан тамомланганлиги эътироф қилинади.

¹ И.Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Тошкент. “Шарқ”. 1998. –Б.8.

² А.Хўжаев. Фарғона тарихига оид маълумотлар.(Қадимий ва илк ўрта аср Хитой манбаларидан таржималар ва уларга шарҳлар). “Фарғона” нашриёти. 2013; Абдухалиқ Абдурасул ўғли. Қадимги Фарғона тарихидан. Тошкент: “Фан”. 2002; А. Отахўжаев. Илк ўрта асрлар Марказий Осиё цивилизациясида турк-суғд муносабатлари.; Қосимов Й.Қ. Қадимги Фарғона сирлари. Намангон. 1992; Литвинский Б.А. исторические судьбы Восточного Туркестана и Средней Азии (проблемы этнокультурной общности). //Восточный Туркестан и Средняя Азия. История. Культура. Связи. М., 1989, СС.4-28; Никитин А.Б. Христианство в Центральной Азии (древность и средневековье). // Восточный Туркестан и Средняя Азия. История. Культура. Связи. М., 1989. СС. 121-136;

Хитой сайёҳи Чжан Цзян Фарғона Хан сулоласи ерларидан ўн минг ли масофада ғарбда жойлашганлиги, фарғоналиклар авлоддан-авлодга ўтрок ҳаёт кечириб келганлиги, улар деҳқончилик билан шуғулланиб узум етиштириши, Фарғонада асл тулпор отлар кўп бўлиши, у ерда 70 дан кўп шаҳарлар мавжудлиги ҳақида маълумот қолдирган. Қадимги Фарғонанинг Хитой билан муносабатлари тарихи, Хитой ҳукмдорларининг Фарғонанинг “тулпор отлари”га эҳтиёжи сабаб элчилик савдо қарвонларининг Фарғонага жўнатилиши билан боғлиқ жараёнлар илмий адабиётларда батафсил баён қилинган.³

Э. Ртвеладзенинг маълумотларига кўра, Чжан Цзяннинг саёҳатидан сўнг Хитойда “Ғарбий ўлка” атамаси маълум бўлган. “Ғарбий ўлка” тушунчаси Ўрта Осиё ва Шарқий Туркистонга нисбатан ишлатилган⁴. Шарқий Туркистон деганда, ҳозирги Шинжон Уйғур Мухтор ўлкаси тушунилган. Хитой билан Ғарбий Осиё ўртасида ноқулай географик тўсиқлар мавжуд. Булар: Такла-Макан дашти, Кун-Лун, Тянь-Шан ва Помир тоғ тизмаларидир. Шунинг учун Хитой мил. авв. I минг йилликда аввал Хўтон билан, сўнг Олтой билан алоқа ўрнатган. Милоднинг I минг йиллигида Ўрта Осиёни Хитой билан боғлайдиган бир неча йўллар пайдо бўлган. Маълумотларга кўра, Хитойдан Ғарбий ўлкага иккита жанубий ва шимолий савдо йўли ўтган.

Жанубий йўл Чаньандан бошланиб Лобнор кўлини четлаб Кун-Лун тизмалари шимолидан ўтиб, Ёрканд ва Кашғарга чиққан, ундан Воханга ўтиб, у ерда йўл икки тармоққа бўлинган, бири Бактрияга, иккинчиси жанубга Ҳиндистонга кетган. Шимолий йўл тоғ тизмалари орқали ўтиб Кошғарга келган, сўнг Луковые горы орқали Давон (Фарғона) ва Қанхага, ундан Оролбўйига келган.

Фарғона аҳолиси қадимдан деҳқончилик билан бирга чорвачилик билан ҳам шуғулланган, хўжаликнинг бу тармоқлари жуда ривожланган бўлиб, савдо алоқаларининг тараққий қилишига имконият яратиб берган. Шунинг учун Буюк ипак йўли устида жойлашган Фарғона ўзининг товарлари билан савдо алоқаларида фаол иштирок этган бўлиши керак. Савдо йўллари орқали Фарғона ва Шарқий Туркистон аҳолиси янада яқинлашиб, савдо-иқтисодий ва маданий алоқалари жонланиб борган.

Юқорида эслатиб ўтганимиздек, А.Хўжаевнинг асарида хитой манбаларида келтирилган Фарғона тўғрисидаги қимматли манбалар таҳлил қилинган. Шулар жумласидан кам бўлсада Шарқий Туркистон-Фарғона масалаларига ҳам ўрин берилган. 941-945 йилларда Тан сулоласи саройида Лю Ху раҳбарлигидаги тарихчилар гуруҳи ушбу сулола тарихига бағишланган “Тангшу” (“Танг {сулоласи} тарихи”) деб номланган асарни ёзишган. 1044-1060 йилларда Оу Янгуо ва Сунг Ци “Тангшу”нинг айрим қисмларини қисқартириб, айрим тузатишлар ва тўлдиришлар ҳамда

³ Абдухолик Абдурасул ўғли. Ўша асар. 2002. –Б.8-9.

⁴ Э.Ртвеладзе. Великий шелковый путь. Энциклопедический справочник. Древность и раннее средневековье. Ташкент. 299. –С. 128.

қўшимчалар киритиш билан янги “Шин Тангшу” (“Танг сулоласининг янги тарихи”) асарини ёзишган.

Хусусан, 750 йилда хитойликларнинг Тошкентга хужуми, маҳаллий ҳукумдор (Джабши)нинг асирга олиниб Хитойга олиб кетилганлиги таъкидланади. Бу даврда Хитой билан Фарғона ўртасидаги қатнов йўли Шарқий Туркистондаги Кумул, Урумчи, Или водийси, ҳозирги жануби-шарқий Қозоғистон орқали ўтган⁵. Тан сулоласи даврида Фарғона водийси Нингюан (Олисдаги сокинлик) деб аталган. Унда Фарғона ҳукмдори Норин дарёси шимолида жойлашган Шижян шаҳрида туради дейилган. Шижян шаҳри Хитойда Тан сулоласи ҳукмронлик қилган давридаги (618-907) Фарғонанинг маркази бўлган. У Ахсикентнинг хитойча номланишидир. Фарғона тарихи бўйича мутахассис А.Анарбоевнинг тадқиқотларида Ахсикат Фарғона маркази сифатида эътироф қилинган⁶. “Шин Тангшу”да ёзилишича, Фарғонада 6 та йирик шаҳар, 100 та кичик шаҳарлар мавжуд, одамлар узок умр кўради. Чжэнгуан даврида (627-649) Ғарбий Турк ҳукмдори Чуаймуо-Хэдуо Фарғона ҳукмдори Чибини ўлдиради ва бу ерда хитойликларнинг ҳукмронлик йиллари бошланади. Шу даврдан бошлаб Фарғона Тан сулоласига ҳар йили совға юбориб турган. Манбада Хўжанд, Косон шаҳарларининг хитойча номлари келтирилган.

Сюан Занг (629-645) Хитойдан Ҳиндистонга борган. У Хэши йўлаги, Ивергул (ҳозирги Кумул, хитойча Иву, Хами) шаҳри, Турфон, Қорашар, Кучар, Оксу, Музрат довони, Иссиқкўл бўйи, Сийе шаҳри, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Афғонистоннинг шимолий вилояти орқали Ҳиндистонгача борган. Ватанига қайтиб “Датанг Шюйжи” номли асарини императорга тақдим қилган. Асарда муаллиф “[Тошкент]дан жануби-шарқ сари минг ли (576 км)дан зиёдроқ юрилса, Пайхан (Фарғона) давлатига борилади. Унинг тўрт томони тоғ билан ўралган. Ерлари серҳосил, деҳқончилик ишлари ривожланган, гуллар ва мевалар кўп, [табiiй шароити] қўй ва от боқишга қулай, шамол ва совуқ бўлиб туради, одамлари қаттиқ иродали, [халқининг] тили атрофдаги давлатлардан фарқ қилади...”- деб эътироф қилган⁷.

VIII аср ўрталарида корейлик будда дини роҳиби Хуэйчао қаламига мансуб “Вангъу Тяньжу-гуо чжуан” номли асарда унинг Ҳиндистон, Покистон, Афғонистон, Шарқий Туркистондаги Кучар мамлакатларига бориб, ўзи шоҳиди бўлган воқеаларни ҳикоя қилган. Асарда Фарғонанинг (Бахэна)нинг шарқий томонида жойлашган Гудуо-гуо давлати тўғрисида қуйидагилар баён қилинган. Ушбу давлат ҳукмдори этник жиҳатдан турклардан, маҳаллий фукаролар эса ярим ғуз, ярим турк экан. [Унинг] заминида туя, эшак, қўй, от, қора мол, хачир боқилар, узум етиштирилар, жундан тўқилган турли гиламлар ишлаб чиқарилар экан. Пахтадан тўқилган

⁵ А.Хўжаев. Фарғона тарихига оид маълумотлар. –Б. 84.

⁶ Анарбаев А. Ахсикент – столица древней Ферганы. Ташкент. 2013.; Анарбаев А. Благоустройство средневекового города Средней Азии (V-нач. XIII в.). Ташкент. Фан, 1981.; Анарбоев А.А. Қадимги ва ўрта асрларда Ахсикент.. Ўзбекистон тарихида қадими Фарғона. Тошкент. 2001. Анарбоев А. Города Северной Ферганы в древности и раннем средневековье. Ташкент. 1994.

⁷ А.Хўжаев. Фарғона тарихига оид маълумотлар. –Б. 119.

матодан ва теридан кийим тикиб кийишар экан. Тили ва сўзлашиш оҳанги ярим тўхарча, ярим туркча, ярим маҳаллий шевада экан. Ҳукмдор ва унинг итоатидаги фуқаролар будда динига эътиқод қилишар экан. Уларда будда ибодатхоналари бор экан, одамлар оз бўлса ҳам, ибодат қилишар экан. Чет элликлар уни расмий давлат деб танишса ҳам, лекин унинг замини Хан мамлакатининг бир катта вилоятига тенг экан. Бу давлатдаги эркаклар соч-соқолларини олдириб, аёллари эса сочларини ўстириб юришар экан⁸. Тахминимизга кўра, бу давлат Шарқий Туркистон бўлиши мумкин.

Э.Ртвеладзе Тан сулоласи бронза тангаларининг Ўрта Осиёга кириб келишига эътибор қаратиб, Ўрта Осиёнинг тарихий-маданий вилоятларига танга пул тизимларининг таъсирини эътироф этган. Масалан, Фарғонада археологлар 1988 йилга қадар 42 дона у-шу тангаларини топишган. Шимолий Фарғонада жойлашган Гавадаги Мугхона казишмаларида 2 дона у-шу тангалари топилган. Тангалар Шимолий Фарғонадаги Поп шаҳри яқинида жойлашган Мунчоктепа қабристонида худди шундай 2 дона тангалар топилган. Бу каби тангалар Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларидан ҳам топилган эди⁹. Қадимги Хитой тангалари асосан Ўрта Осиёнинг шарқий қисмига, яъни Фарғонага тўғри келади. Бу маълумотлар Буюк ипак йўлининг асосий тармоғи Фарғона орқали ўтганлигига ишора ҳисобланади. Илк ўрта асрларга тааллуқли Хитой тангалари Еттисув, Фарғона, Чоч, Сўғд, Шимолий Тожикистондан топилган.

У-шу тангаларининг топилиши Фарғона билан Хитой, жумладан Шарқий Туркистон ўртасида савдо-сотиқ алоқалари мавжуд бўлганлигидан, қолаверса бу савдо муносабатларида Хитой тангалари мол айрбошлашда асосий восита бўлганлигидан далолат беради.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, илк ўрта асрларда Фарғона Хитой учун ўзининг аҳамиятини йўқотгани йўқ, аксинча Фарғонага бўлган интилиш янада ортиб борган. Юқорида кўриб ўтганимиздек, Фарғона билан Шарқий Туркистон шаҳарлари ўртасидаги алоқалар тобора мустаҳкамланиб борган. Шарқий Туркистон манфаатлар чорраҳасида жойлашганлиги туфайли доимо ўзига бошқа давлатларни ром қилиб келган. Ўрта Осиё билан Хитой ўртасидаги муносабатлар доирасида Фарғона ва Шарқий Туркистон алоқалари алоҳида эътиборга лойиқ.

⁸ А.Ходжаев. Фарғона тарихига оид маълумотлар. –Б. 121.

⁹ Э.Ртвеладзе. Великий шелковый путь. Энциклопедический справочник. Древность и раннее средневековье. Ташкент. 299. –С. 128.